

умумий овқатланиш муассасаларини тегишли муаммоларини бартараф этишда жойлардаги маҳаллий хукумат раҳбарларининг эътиборсизлик билан ёндошаётганликлари соҳага салбий таъсир ўтказган. Шу даврда республикадаги завод ва фабрикалардаги ошхоналарда бир ўринга Иттифоқда белгиланган меъёр бўйича 6 киши ўрнига, 11 киши тўғри келган [9: 59-в.].

Республиканинг Андижон, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларидаги овқатланиш муассасаларида эса 1000 кишига 12 тагача, Ўзбекистон бўйича бундай очик муассасаларда 1000 кишига 13 та ўриндиқ тўғри келган [10: 70-в.].

Совет даврида умумий овқатланиш тизимида эътиборга олинмаган омиллар ўз вақтида аҳолининг эътиrozига кўзга ташланди [11: -Б. 5834-5841].

“Социалистик турмуш тарзи”ни шакллантириш мақсадида, Ўзбек ҳалқини хонадонларда таом тайёрлашларини чеклаш, бунинг ўрнига ресторон ҳамда кафеларда овқатланишларини йўлга қўйиш белгиланганди. Бир неча сабабларга кўра бу борадаги режа ҳам аҳоли орасида кенг урфга кирмади. Бизнингча бунга асосий сабаблардан бири, Ўзбекистонда аксарият маҳаллий аҳоли азалдан бўш вақтини оила даврасида ўтказишни, тушлик ёки кечки овқатни ҳам ўз оиласида тановвул қилишни одат қилганлиги бўлса, иккинчи ўринда мавжуд овқатланиш муассасалари ўз фаолияти бўйича аҳолининг талабига деярли жавоб бермаганлиги, учинчи ўринда эса аҳолининг ресторан, кафе ҳамда ошхоналарда овқатланишлари учун эса албатта моддий маблағни кам миқдорида бўлганлиги эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Моторина Т. Ещё раз про советский общепит. (Электрон ресурс: <http://back-in-ussr.com/2016/12/esche-raz-pro-sovetskiy-obschepit.html>)
2. Советский общепит-интересные моменты. (Электрон ресурс: <https://strana-sssr.net/статьи/советский-быт/советский-общепит-интересные-моменты.html>)
3. Бешимов Р. Победа культурной революции в кишлаках Узбекистана (1933-1941 года) По материалам Бухарской и Самаркандской областей. Дисс... канд. ист. наук – Ташкент. 1963. – С. 180.
4. СВДА, 1647-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 38- варак.
5. Таркибида Самарқанд шаҳри бўйича 2та ресторан, 19 та ёпиқ турдаги ошхона, 3 та очик турдаги ошхона, 10 та тамаддихона, 36 та мактаб ошхонаси ҳамда 31 та муассасалар ошхонаси бўлган.
6. СВДА, 1647-фонд, 1-рўйхат, 997-иш, 11-13- вараклар.
7. СВДА, 1647-фонд, 1-рўйхат, 997-иш, 13-14- вараклар.
8. Ильющенко Д.В. Культура советского общепита в 1970-х-1980-х годах: достижения и проблемы// Вестник МГУКИ, 2015. 2 (64). – Б.97-100.
9. Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 298-иш, 59- варак.
10. Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 427-иш, 70- варак.
11. Nasirov, B. U., & Boltaeva, M. J. Genesis And Transformation Of The Public Catering System In Uzbekistan During The Soviet Period. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume, 12, 5834-5841.

ЮҚСАК АҲЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛИ АВЛОДНИ ШАКЛАНТИРИШ- ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ортиқов Олим Хамидович
ЎзМУ Жиззах филиали “Ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси
Абдурасулова Диёра Жалиловна

Аннотация: Фуқаролик жамияти инсоният томонидан яратилган сиёсий қараашлар тарихи – жамият ва инсон, сиёсат ва давлат түгрисидаги назарий қараашлар, шунингдек, илк жамоалардан то ҳозирги давргача бўлган жамиятлар ривожланишининг тажрибаси асосида такомиллашиб борди. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти унсурларининг назарий жиҳатлари бундан бир неча минг йил олдин кашф этилганлигига эътибор берилса, бу жамият инсоният яратган цивилизацияларнинг энг сўнгги ҳосиласи ўлароқ шаклланганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Калим сўзлар: юксак маънавият, таълим-тарбия, дахлдорлик, глобал ўзгаришлар, тарбия концепцияси, маънавиятга таҳдид.

Фуқаролик жамиятини қуриш унинг маънавий негизлари билан узвий боғлиқ холда кечади. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қараашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади. Фуқаролик жамияти – ижтимоий макондир[1]. У фуқароларнинг давлат ва жамият муносабатларида аниқ намоён бўлади. Фуқаролик жамияти – фуқароларнинг тегишли фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган жамиятдир. У тегишли қонунлар билан тартибга солинади ва амалга оширилади.

Жамият ривожида маънавий ва моддий омилларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. Бу фуқаролик жамиятининг ижтимоий, иқтисодий асосларини, бозор иқтисоди қонунларини тўғри тушунишга имконият беради. Фуқаролик жамияти ана шундай одамларнинг юксак маънавияти, дахлдорлик ҳиссига, олий мақсадларига таянади. Бунга юксак маънавият, таълим-тарбия ва чуқур дахлдорлик ҳисси орқали эришиш мумкин. Илм-фан, адабиёт, санъат, халқимизнинг бой маънавий мероси, қадриятларини ўрганиш ва хурмат қилиш орқали фуқаролик жамияти миллий-маънавий ва умуминсоний негизларининг ўзаро муштарак холда ривожланишини таъминлаш мумкин. Бу юксак маънавият ва дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда оиланинг ўрни бекиёсдир. Оила эса фуқаролик жамиятининг муҳим бўғинидир. Чунки, инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характеристини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қараашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Маълумки, инсонлар маънавий ҳаёт шароити, имкониятларини янада ошириш билан бирга, айни пайтда маънавиятга таҳдид солувчи айрим салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда.

Айни пайтда яна ва яна глобал қўламларда айнан ёшлар тарбиясида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини тан олишимиз, эътироф этишимиз керак. Ўзи ва ўзгаларнинг тақдирига, келажагига бефарқлиқ, шафқатсизлик, ишёқмаслик, ҳалол меҳнатдан бўйин тоблаш, ахлоқсизлик, енгил-елпи ва бошқалар ҳисобига кун кечириш, гиёҳвандлик, ўғирлик, жиноятчи гурухлар, экстремистлар ва террористлар фаолиятида иштирок этиш ҳам жамиятнинг айнан навқирон ўшдаги аъзоларини ўз домига тортаётгани сир эмас[2]. Илм ўрганиш, маълумот олиш учун шароит яратиб бераётган ахборот технологиялари, жумладан, Интернет ҳам муаммолар манбаига айланиб бораётганини таъкидлаш зарур. Дунё тизимидағи глобал ўзгаришлар, объектив жараёни, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Бизнинг ҳаётимиз турли соҳаларида глобал ютуқлардан қандай мақсадда ва ким томонидан қандай мақсадда фойдаланиши билан бевосита боғлиқ.

Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий

хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқизатга олиб келиши мумкин [3].

Ёшлар – бу изланувчи, мамлакатимиз тараққиётининг ишончли суюнчи. Уларнинг қанчалик билимдонлик, ўз халқига, Ватанига содиклик билан фаолият олиб бориши асрлар давомида кутилган орзу-умидларимизнинг ижобий натижасини беради. Шунга кўра, юксак маданиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш лозим. Ёшларимиз қанчалик зарурӣ имкониятларга эга бўлса, ўзини юрти, халқи жонкуяри деб билса, уларда шунчалик юртимизнинг барча соҳаларида истиқболи фаолият юзага келади. Ёшларимиз халқимизнинг, мамлакатимизнинг, халқаро обрў-эътиборимизнинг суюнган имкониятидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарорининг чиқиши бу миллат келажаги, миллат маънавий тараққиёти учун бир ўзига ҳос тарихий воқелик бўлди.

Концепция олдига қўйидаги вазифалар қўйилган:

- маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;
- узлуксиз тарбия тизимида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;
- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш;
- оила, таълим муассасалари ва маҳалла, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш;
- маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланишдан иборат.

Мазкур концепциянинг амалга оширилиши жамиятда маънавий-ахлоқий мухитнинг соғлом ва барқарор бўлишига салмоқли ҳисса қўшади.

Фарзандларимизни илм-фан ва таълим-тарбия асосида вояга етказиш мақсадга мувофиқ экан, ўз ўрнида тарбия эса маънавият билан чамбарчас боғлиқдир. Зоро, ёшлар келажак эгалари ҳисобланади. Ёшларимиз таълим-тарбиясида эса маънавий тарбия катта аҳамиятга эга. Энг мухими, фарзандларимиз тарбиясига эътиборли бўлиш, айнан шу мезон болаларимизни маънан, руҳан соғлом, ўз ота-боболарига, тарихимизга, Ватанимизга, она тилимизга, ўз миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган баркамол бўлиб ўсиб унишининг асосидир.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўнимизга олиб, азалий қадриятларимизга суюниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани - бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бутун ҳаммамиз чуқур англаймиз[4].

Ана шу ҳакиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлнимизни онгли равища қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламокда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008;
2. Кирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафқуралар, маданиятлар.-Т.: «Шарқ», -1998;
3. Nasirov, B. U., & Boltaeva, M. J. Genesis And Transformation Of The Public Catering System In Uzbekistan During The Soviet Period. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume, 12, 5834-5841;

4. Fayzullaev S. B. Fostering the qualities of agility of basketball pupils in Uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 5. – С. 1171-1176.

АКТИВИЗАЦИЯ МЫСЛITЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ МОТИВАЦИИ

Полякова И.А.
ассистент кафедры английского языка
ТГПУ им. Л.Н.Толстого (г.Тула)

Любого рода активность имеет один и тот же источник - это потребность, побуждение к действию или мотивация. Чем больше количество потребностей, тем более многообразные виды умственной деятельности задействованы при выполнении любой задачи. Цель педагога состоит в указании и направлении студентов на нужные, по возможности уменьшении влияния «ложных» направлений активности. Также учителю важно помнить о том, что потребности и мотивы умственной деятельности студента подвержены изменениям, которые могут быть связаны и с возрастом, и с изменением статуса, и изменениям взглядов на свое место в мире, и в связи с этим рекомендуется менять виды и направление умственной деятельности.

Активность самого студента является основным условием развития его способностей и талантов, и без собственного труда он мало чего добьется, какие бы талантливые учителя его не окружали. Педагог лишь дает студенту материал для обучения, руководит учебной деятельностью. Таким образом, можно сделать вывод, что при правильном воспитании студент есть не только объект педагогического воздействия, но и сам по себе активный участник собственного воспитательного процесса.

Активность личности – это важнейшая составляющая ее развития. Воспитание только тогда может достичь цели, когда ему удается воспитать активную, талантливую, творческую личность. Следовательно, разумная, педагогически выверенная организация активизации мыслительной деятельности студента обеспечивает его рост во всех смыслах и проявлениях учебного процесса.

Функцией учителя и наставника, который будет грамотно направлять развитие личности, таким образом, является активизация его мыслительной деятельности различными способами, которые дадут возможность активного приложения сил в различных сферах, изучение его личностного своеобразия и раскрытие его потенциала.

Активизация мыслительной деятельности студентов на уроках английского языка это процесс, нацеленный на усиленную обоюдную мыслительную деятельность преподавателя и студента, побуждающий к ее энергичному, целеполагающему осуществлению, направленный на преодоление инерции, а также пассивных и типичных форм преподавания и учебной деятельности.

В последнее время способы активизации обучения дополнились и проблемным обучением, и межпредметными связями, и применением технических средств обучения. Однако все это, в совокупности, рассматривается с точки зрения управляющей функции преподавателя.

Тем не менее, активизация мыслительной деятельности на уроках английского языка не может рассматриваться в современных условиях развития образовательного процесса лишь как процесс управления активностью студентов. Это также и процесс активизации своей деятельности самим студентом. Именно от студента должна исходить инициатива активизации собственной деятельности. Это определяется индивидуальными характеристиками студента: его установками, скоростью реакции на учебный процесс, желанием и навыком ставить перед собой цели, добиваться их, искать нестандартные пути